



ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖАЗОЛАР ИНСТИТУТИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Холматов Бахром Уктамович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг тингловчиси
holmatov86@internet.ru

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i03-p1-02>

ARTICLE INFO

Received: 25th February 2023

Accepted: 02nd March 2023

Online: 03rd March 2023

KEY WORDS

Озодлик, айбдор, ахлоқан тузатиш, маҳрум қилиш, боғлиқ бўлмаган, жазо, жиноят, жарима, ижтимоий хавфлилик, ижтимоий соҳа.

ABSTRACT

Мазкур мақолада озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар институтининг тушунчаси ва унинг ўзига хос жиҳатларига доир масалалар таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада “жиноятни содир этишда айбдор шахсга мажбурий таъсир кўрсатишдан иборат бўлган, жамиятдан ажратишни назарда тутмайдиган, лекин қилмишининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ уни мос келадиган бошқа жазо билан алмаштиришга қаратилган, ижтимоий адолатни тиклаш, маҳкумни ахлоқан тузатиш, янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадларини кўзлайдиган давлат мажбуриятлари чоралари” эканлиги озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга кириши юзасидан фикир мулоҳазалар баён этилган.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига назарда тутилган жазо турлари орасида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ўз аҳамиятига кўра алоҳида ўрин эгаллайди.

Яъни, озодликдан маҳрум қилиш жазоси маҳкумга, айниқса озодликдан маҳрум қилишга биринчи марта ҳукм қилинган шахсларга жуда кучли таъсир кўрсатади, ижтимоий адолатни тиклашга, янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга кўмаклашади.

Бундан ташқари, озодликдан маҳрум қилиш ўзининг ўта репрессивлиги билан тавсифланади, чунки айбдорга муайян ва анча жиддий ҳуқуқий чекловларни татбиқ этиш, хусусан: эркин ҳаракатланиш, меҳнат фаолияти турини, дам олиш вақтини танлаш, яқинлари ва қариндош-уруғлари билан мулоқот қилиш ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ.

Озодликдан маҳрум қилиш, унинг унсурларини ўз ичига олган бошқа жазо турлари каби, жазонинг мақсадларига бошқа (енгилроқ) воситалар билан эришиш мумкин бўлмаган ҳолдагина қўлланилиши лозим. Ҳозирги шароитда қонуний кучга кирган ҳукмлар бўйича маҳкумларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи озодликдан маҳрум қилинади.



Дарҳақиқат, жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жиноий жазо давлат мажбурловининг энг кескин шакли ҳисобланиб, унинг замирида ҳуқуқий тартиботни сақлаш зарурияти ётади. Ушбу зарурият ҳуқуқ – манфаатлар қўриқчиси деган умумий тушунчадан келиб чиқади. Ҳуқуқ нормалари тақиқлаш ва талаб қилиш, муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг жоизлигини кўрсатиш орқали ҳуқуқий неъматларни ҳимоя қилади. Ўз қоидалари ва нормаларига фуқаролар бўйсунганини таъминлаш учун ҳуқуқ кучга муҳтож бўлади. Бу кучни унга давлат ҳокимияти беради. Давлат ҳокимияти ҳуқуқ талаблари ва тақиқларини одил судлов тартибда муайян жазолаш чора-тадбирлари орқали амалга ошириладиган жиноят-ҳуқуқий нормаларга айлантиради¹.

Хуллас, жиноий жазо бу жиноят-ҳуқуқий нормада ифодаланган ва суд томонидан фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган давлат мажбурлов чорасидир. Ўз навбатида, жиноий жазонинг мақсади жиноятчига қийноқ ва озор етказиш, азоб бериш, қийнаш орқали ундан ўч, қасос олиш эмас, балки айбдорга содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, жиноятчи шахсининг хусусиятидан келиб чиқиб, унга мос равишда адолатли жазо тайинлаш ва унинг яна жиноят содир этишининг олдини олиш, маҳкумни ахлоқан тузатишдан иборатдир².

Жиноий жазо муайян тарбиявий вазифани бажаради, яъни жиноий жазо, *биринчидан*, ижтимоий хавfli қилмишлар содир этувчи шахсларга нисбатан тайинланади; *иккинчидан*, жазони ўтаётган шахсни жамиятда содир бўлаётган жараёнларнинг онгли ва фаол иштирокчисига айлантириш мақсадини кўзлайди; *учинчидан*, ижтимоий хавfli қилмишларнинг қонунга мувофиқ муайян жазолар тайинлаш билан боғлиқ жиноий қилмишлар деб топилиши ҳамда мазкур жазоларнинг амалда қўлланилиши маънавий ва ахлоқий жиҳатдан беқарор шахсларга ижобий, яъни улар томонидан ҳуқуқий-тартибот талабларига риоя этилиши йўналишида таъсир кўрсатишини назарда тутаяди.

Айнан шу сабабдан ҳамда жиноят қонунидаги инсонпарварлик ва одиллик принципларидан келиб чиқиб, сўнгги йилларда жиноятдан содир этган шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазонинг жазодан кўзланган мақсадга эришиш имкониятлари хусусида турли хил баҳслар юзага келмоқда.

Бу борада М.Ҳ.Рустамбоев, Қ.Р.Абдурасулова, Б.Ж.Ахраровлар сўнгги йилларда ЖКга киритилган ўзгартишлар хусусида фикр билдириб, жиноят содир этган шахсни

¹Пайзуллаев Қ.П., Салаев Н.С., Бобокелдиев Б.А. Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажакда. – Тошкент: Турон-иқбол, 2005. – Б. 6.

²Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. – Тошкент: ТДҶОИ, 2005. – Б. 152.



жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш имконияти сифатида иқтисодий жазо чораларини қўллаш доираси кенгайтирилди³, деб фикр билдиришган.

Жамоатчилик фикри ва давлат жинойт-ҳуқуқий сиёсатини бундай қайта қуриш асосий ғояси озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар жинойт-ҳуқуқий чоралар тизимини яратишдан иборат эди⁴.

Шу билан бир вақтда, жинойт ҳуқуқи фанида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг муқобиллиги нимадан иборат, деган саволга жавоб берадиган ягона тушунча ҳозиргача мавжуд эмас. Кўриб чиқиладиган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тизими жинойт ҳуқуқи тармоғида қандай ўрин эгаллайди, деган саволга ҳам ҳанузгача аниқ жавоб берилгани йўқ.

Аксарият ҳолларда жинойт учун жазоларнинг мазкур турлари ижтимоий муҳимлик, жинойтчиликка қарши кураш нуқтаи назаридан, маҳкумнинг қайта ижтимоийлашувига улар қандай таъсир кўрсатишидан келиб чиқиб ўрганилади. Жинойт ҳуқуқи мазкур институтининг ҳуқуқий жиҳатлари эса, ҳозирги вақтда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар дунёда кенг тарқалганига қарамай, ҳанузгача яхши ўрганилгани йўқ.

Амалдаги қонун ҳужжатларида жинойт учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг турлари тушунчасига таъриф берилмаган. Мазкур институтни тавсифлашга киришишдан олдин юқорида зикр этилган тушунчанинг асосларини ўрганиш ва унинг асосий белгиларини аниқлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Фанда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар деганда “жинойтни содир этишда айбдор шахсга мажбурий таъсир кўрсатишдан иборат бўлган, жамиятдан ажратишни назарда тутмайдиган, лекин қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилики даражасига мувофиқ уни мос келадиган бошқа жазо билан алмаштиришга қаратилган, ижтимоий адолатни тиклаш, маҳкумни ахлоқан тузатиш, янги жинойтлар содир этилишининг олдини олиш умумий ва махсус чоратадбирларини амалга ошириш мақсадларини кўзлайдиган давлат мажбурлови чоралари”ни⁵ тушуниш одат тусини олган.

Мазкур атама бундай жазоларни кундалик муомалада, ҳатто илмий адабиётларда ифодалаш учун мос келади. Аммо, ушбу жазоларни расмий даражада тавсифлаш учун у тўғри келмайди, чунки бизда ягона жазолар тизими амал қилади ва шу маънода бошқа, яъни озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ва “муқобил” жазолар мавжуд эмас.

Мазкур тушунча тегишли ҳодисанинг моҳиятини эмас, балки озодликдан маҳрум қилишдан универсал жазолаш воситаси сифатида фойдаланишга нисбатан одамларнинг руҳий муносабатини акс эттиради.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар даставвал, формал мантиқда икки ҳукмдан бирини танлаш ёки улардан битта хулоса чиқаришда

³Рустамбоев М.Х., Абдурасулова Қ.Р., Ахраров Б.Ж. Ўзбекистон Республикаси Жинойт ҳуқуқи концепцияси ва доктринасини ривожлантириш муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 38.

⁴Сесар К. Карательное отношение общества: реальность и миф. // Правоведение. 1998. № 4. – С. 171.

⁵Дворянсков И.В., Сергеева В.В., Баталин Д.Е. Применение альтернативных наказаний в Западной Европе, США и России: сравнительно-правовое исследование. – М., 2004. – С. 10.



қўлланилган. Ижтимоий соҳада озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг муқобиллик рақобати, зиддият ҳолатини юзага келтириш, кишиларда икки ёки бир нечта имкониятдан бирини танлаш имкониятини яратишда ишлатилади⁶. Бошқача айтганда, бир-бирини истисно этувчи имкониятлардан бирини танлаш лозимлигини билдиради. Чет эллик баъзи бир тадқиқотчилар “муқобил” тушунчасини бир қатор жиноят-сиёсий ҳодисаларга татбиқан кенг маънода: ё умуман “жиноий юрисдикцияга муқобиллар” сифатида ё “жиноят-ҳуқуқий тизимига муқобиллар” сифатида қўллайдилар⁷.

М.Ҳ.Рустамбоев жиноий жазоларнинг турлари хусусида фикр билдирар экан, жазони оғирлигига озодликдан маҳрум қилиш (чеклаш) билан боғлиқ бўлган жазолар ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар турларини ажратади⁸.

Қ.Пайзуллаев, Н.Салаев ва Б.Бобокелдиевлар жазони қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келишган:

1) ҳуқуқий жиҳати ва жазоловчи таъсири ҳажмига кўра – озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган жазоларга;

2) юридик мазмунига кўра – тарбиявий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган жазоларга;

3) тайинлаш тартиби ва юридик аҳамиятига кўра – асосий ва қўшимча жазолар⁹.
Д.Фозилов ва О.Қурбоновлар ҳам маҳқумларнинг озодлигини чекловчи жазоларни алоҳида қайд этиб ўтади¹⁰.

Умуман олганда, жазони ҳуқуқий жиҳати ва жазоловчи таъсири ҳажмига кўра таснифлаш бой тарихга эга.

Шу ўринда, “озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар” ва “озодликдан маҳрум қилишга муқобил бўлган жазолар” тушунчалари бир хил мазмунга эгами, деган ҳақли савол туғилади. Бу борада соҳа мутахассислари ўртасида турлича ёндашувлар мавжуд.

Хорижий давлатлар Жиноят қонунчилигида қонун ҳужжатлари билан тақиқланган қилмишларга кўриладиган чораларнинг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган барча турларини жиноят ҳуқуқида муқобиллар сифатида эътироф этиш одат тусини олган¹¹.

Бизнинг назаримизда, “озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар” тушунчасига нисбатан “озодликдан маҳрум қилишга муқобил бўлган жазолар” тушунчаси анча тор бўлиб, бу гуруҳга жиноят-ҳуқуқий норма санкциясида

⁶ Фалсафа: энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – Б. 203.

⁷ Cisse A. *Justicetransactionnelleetjusticepenale // Revuedesciencecriminelleetdedroitpenalcompare*, 2001. №3. – P. 511.

⁸ Рустамбоев М.Ҳ. *Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси*. Т.2. Умумий қисм. Жазо тўғрисида таълимот: Дарслик. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2011. – Б. 31.

⁹ Пайзуллаев Қ.П., Салаев Н.С., Бобокелдиев Б.А. *Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажакда*. – Тошкент: Турон-иқбол, 2005. – Б. 14.

¹⁰ Фозилов Д., Қурбонов О. *Жиноят ҳуқуқида жазо тизимини такомиллаштиришнинг айрим муаммолари*. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007. – Б. 15.

¹¹ Кароли Барт. *Альтернативны меры уголовного наказания. // Альтернативы тюремному заключению в Республике Казахстан: Материалы международной конференции*. – PRI, 2000. – С. 67.



белгиланган ва озодликдан маҳрум қилиш ўрнига қўлланилиши мумкин бўлган жазоларни киритиш лозимлигини назарда тутди.

И.В.Дворянсков жиноят-ҳуқуқий чораларни муқобил жазолар жумласига киритиш мезонлари орасида қуйидагиларни фарқлайди:

маҳкумга таъсир кўрсатишнинг жамиятдан ажратишдан бошқа воситаси;

асосий жазо мақомига эгалик (бу ерда айнан озодликдан маҳрум қилиш ўрнига қўлланилиши мумкин бўлган жазолар назарда тутилади)¹².

1995 йил 1 апрелдан бошлаб кучга кирган ва озодликдан маҳрум қилиш билан бир қаторда маҳкумни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган бир қатор жазоларни мустақамлаган ЖК янги жиноят қонунчилиги сиёсатининг норматив базасига айланди. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида бундай жазолар қаторига қуйидагилар киради:

а) жарима;

б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;

в) ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш;

г) ахлоқ тузатиш ишлари; д) хизмат бўйича чеклаш.

Сўнги йилларда мамлакатимизда жиноят учун жазоларни либераллаштириш борасида фаол иш олиб борилмоқда. Жиноят учун жазоларни либераллаштириш, бир томондан, жиноятдан жабрланганларнинг аҳволини энгиллаштиришни, бошқа томондан эса, маҳкумлар сонини камайтириш ва ижтимоий адолат принципини рўёбга чиқаришни назарда тутди. Жиноят учун жазоларни либераллаштириш чоратадбирларини амалга ошириш жараёнида жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигига жиддий тузатишлар киритилди.

Ушбу ижобий ўзгаришлар энг аввало жазо сиёсатини юмшатишга, озодликдан маҳрум қилишга муқобил жазоларни янада самарали жавобгарлик чоралари сифатида ривожлантиришга қаратилган.

Кўрсатиб ўтилган муаммоларнинг мавжудлиги бизнинг мамлакатимизгагина хос эмас. Улар чет элда аллақачон қайд этилган. Уларни ечиш йўллари сифатида озодликдан маҳрум қилишга муқобил жазоларни янада кенг қўллаш танланган.

Шундай қилиб, инсонпарварлик умумҳуқуқий принципига амал қилувчи мамлакатларнинг аксариятида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини топиш ҳамда ҳуқуқбузарларга таъсир кўрсатиш усуллари ва воситаларини такомиллаштириш йўлида изланишлар фаол олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан мустасно эмас.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни жорий этиш муаммосини қўйиш уларнинг ижтимоий заруратини таҳлил қилиш ва уларни қўллашдан кутилаётган ижтимоий самарани аниқлашни назарда тутди.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш фойдасига келтириладиган асосий далиллар қуйидагилардан иборат:

¹²Дворянсков И.В. Эффективность альтернативных наказаний. – М., 2005. – С. 17.



1) озодликдан маҳрум қилиш билан таққослаганда, улар янада инсоний хусусият касб этади;

2) қайта ижтимоийлашув учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратиш ҳисобига махсус превенция мақсадига янада самарали эришиш имконини беради;

3) озодликдан маҳрум қилишни ижро этишга нисбатан ўта тежамлилик билан тавсифланади.

XX асрнинг иккинчи ярмида аксарият нуфузли халқаро ташкилотлар ва форумларнинг узлуксиз танқиди натижасида озодликдан маҳрум қилишга муқобил жазолар – жарима, озодликдан маҳрум қилишни ижро этиш муддатини кечиктириш, пробацция, жамоатчилик танбеҳи ва ижтимоий фойдали ишларнинг ҳар хил турлари бир қатор мамлакатлар жазо тизимларининг таркибий қисмига айланди¹³.

Шундай қилиб, аввал илмий жамоатчилик, унинг ортидан эса давлат ҳокимияти вакиллари ҳам жиноятлар учун жазо амалиётига жамиятдан ажратмаслик билан боғлиқ жазоларни киритиш зарур, деган хулосага кела бошлади. Хўш, бунга нималар сабаб бўлди? Бизнингча, бу ерда сабаблар мажмуи ҳақида сўз юритиш ўринли бўлади.

Бунинг сабаби – озодликдан маҳрум қилишнинг самарадорлиги даражасининг пастлиги. Шуни қайд этиш лозимки, сўнгги ўн йилликлар давомида рецидив жиноятчилик кўлами сезиларли даражада ошди ва бу мавжуд суд ҳамда жиноят-ижроия сиёсати самарали эмаслигининг бевосита далили ҳисобланади.

Криминолог олимларнинг маълумотларига кўра, ислохотлар даври рецидивистлар жиноий фаоллигининг ўсиши, уларнинг орасида ўта хавфли рецидивистлар сонининг кўпайиши билан тавсифланади. Рецидивнинг кўп карраллиги ўсиши билан рецидивистлар жиноятчилигининг фаоллик даражаси ҳам ошиб борди, ахлоқ тузатиш муассасаларидан озодликка чиққандан кейин биринчи йил давомида жиноятлар содир этган рецидивистлар сони кўпайди¹⁴. Келтирилган статистика ахлоқ тузатиш ва махсус превенция мақсадларига эришиш фоизи пастлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, жамиятдан ажратиш озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсни наинки “жиноятчилик маданияти” таъсиридан, балки жиноят-ижроия тизими муассасаларида соғлиқни сақлашни ташкил этиш муаммоларидан, ушбу жазони ўташнинг психологик ва ижтимоий оқибатларидан ҳам лозим даражада асраш имконини бермайди. Бинобарин, озодликдан маҳрум қилиш доим ҳам жиноят қонунчилиги сиёсати вазифалари ҳал этилишига эришишнинг зарурий ва мақбул омили ҳисобланмайди.

Озодликдан маҳрум қилишни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар билан алмаштириш юқорида кўрсатилган оқибатларнинг барчасини бартараф этишга кўмаклашади. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаганга жазолар жазолаш ва тарбиявий омиллар нисбатида сўнгги зикр этилган омилларнинг устунлиги билан тавсифланади.

¹³Альтернативы тюремному заключению в Республике Казахстан. Материалы международной конференции (27–30 окт. 1999, Алматы): PenalReformInternational, 2000.–Р. 64.

¹⁴ Криминология. Под ред. А.И.Долговой. – М., 1997. – С. 735.



Бунда маҳқум ўзи кўниккан муҳитдан ажратилмайди ва ўзини жамиятнинг бошқа аъзолари билан айнийлаштириш имконини берадиган барқарор ижтимоий алоқаларидан маҳрум этилмайди.

ЖКнинг 43-моддасида тартибга солинган, жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар бу вазифани ҳал қилиш имконини беради. Маҳқумни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазолар ва қўшимча жазолар билан бир қаторда, улар судга қонун асосида, суд амалиёти тажрибаси, ижтимоий ҳуқуқий онг ва илмий тавсияларни ҳисобга олган ҳолда, маҳқумга таъсир кўрсатиш турли чораларини оқилона ва имкониятга қараб, самарали қўллаш учун асос берадиган жазолар кичик тизимини ҳосил қилади.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни янада кенг қўллаш фойдасига яна бир далил уларнинг иқтисодий асосланганлиги ҳисобланади. Айни ҳолда икки жиҳат – кўрсатилган жазоларни ижро этишни ташкил этиш учун харажатлар ва уларнинг ўз харажатларини ўзи қоплаш механизмини фарқлаш, бизнингча, ўринли бўлади. Кўп сонли фуқароларни жазони ижро этиш муассасаларида сақлаш давлат бюджетига оғир юк бўлиб тушади, кўпгина ижтимоий вазифаларни ҳал этишга тўсқинлик қилади, жиний муҳит одатлари ва анъаналарига тарқалиши учун имконият яратади¹⁵.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, улар жиноят билан етказилган моддий зарарни қоплаш учун имконият яратади. Умуман олганда, жиноят билан етказилган моддий зарарнинг қопланишини мажбурий таъминлаш ҳар қандай жазога хос¹⁶.

Аммо, уларни амалга оширишнинг самарадорлиги даражаси бир хил эмас. Озодликдан маҳрум қилишга татбиқан бундай имкониятлар фақат мажбурий ва, одатда, малакасиз меҳнат билан чекланади. Боз устига, жазони ижро этиш муассасалари маъмурияти соф иқтисодий сабабларга кўра бундай меҳнатни ташкил этиш имкониятига доим ҳам эга бўлавермайди.

Шундай қилиб, юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

“Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар деганда, жиноятни содир этишда айбдор шахсга мажбурий таъсир кўрсатишдан иборат бўлган, жамиятдан ажратишни назарда тутмайдиган, лекин қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ уни мос келадиган бошқа жазо билан алмаштиришга қаратилган давлат мажбурлови чораларидир”.

¹⁵Филимонов О.В. Проблемы применения уголовных наказаний, альтернативных лишению свободы. // Развитие альтернативных санкций в уголовной юстиции: опыт и перспективы: Сб. материалов международной конференции.

¹⁶ Чучаев А.И., Абдрахманова Е.Р. Лишение свободы и проблемы его реализации. – Ульяновск, 1996. – С. 25.